انتبه، فإن الموت قادم !

Огоҳ бўлинг, ўлим келмоқда!

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

بسم الله الرحمن الرحيم

Зўравонларнинг бўйинларини ўлим билан хорлаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.. Ҳукмдорларнинг орзуларига ўлим билан чек қўйган, уларни ўлим сабабли қасрлардан қабрларга, саройлар ёруғидан мозорлар зулматига, қиз-жувонлар қучоғидан қурт-қумурсқалар ўчоғига, маишатлар лаззатидан тупроғу лойлар ваҳшатига кўчирган Аллоҳга мақтовлар бўлсин.

Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиздир, шериги йўқдир..

Қиёмат куни барча халқлар фанога йўлиққач: «Мен Подшоҳман.. Мен Жабборман.. Мен Мутакаббирман.. Мен Ғолибман..», деб хитоб қилади.. Сўнгра: «Бугун подшоҳлик кимники?!», деб сўрайди ва Ўзи: «Ягона ва Қудратли Аллоҳники!» деб жавоб беради.

Уни поклайман.. Иззат ва қудрат Эгасини поклайман.. Мулк ва малакут Эгасини поклайман.. Бутун махлуқотига фано ва йўқликни битган, Ўзи эса ўлмас Барҳаёт Зотни поклайман..

Гувоҳлик бераманки, набийимиз ва ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидирлар.. Халқлари ичидан танлаб олган софийи ва халилидирлар.. Қалбларини Унинг Ўзи мунаввар қилиб қўйди.. Зикрларини баланд қилиб қўйди.. Хатоларини Унинг Ўзи аритди.. Барча халқларидан афзал ва ортиқ қилиб қўйди.. Ҳар бир ишларида Ўзи поклади.. Барчасидан сўнг Ўзи унга: **«**(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлувчидирсиз, улар хам ўлувчидирлар»** (Зумар: 30) деб хитоб қилди.. Эй Парвардигор! Ўзинг у зотга, аҳлу асҳобига ҳамда то қиёмат у зотнинг йўлларига йўлланган, суннатларини тутган, изларидан эргашган кишиларга тўхтовсиз саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Севикли дўстларим, барчангиз даврамизга хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанотлар бўлсин. Аллоҳ таолодан юзларингизни ёруғ қилишини, қалбларингизни очишини ва дилларингизни поклашини, сизу биздан солиҳ амалларни қабул қилишини, барчамизни дунёда Ўзининг тоатида ва охиратда пайғамбарлар саййиди билан бирга Ўзининг жаннатида жамлашини сўрайман. Зотан, У бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги суҳбатимиз мавзуси мени кўп изтироб ва аламга солувчи мавзулардан. Чунки, даъватчиларимиз ва шайхларимиз бу ҳақда хос муносабатлардагина гапиришади. Ҳолбуки, у доим ва тинимсиз гапириб, эслаб туриш керак бўлган мавзудир. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам шунга буюрганлар. «Сунан» асҳобларидан баъзилари Ибн Умар ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Лаззатларни кесувчини кўп эсга олинглар!».** «Лаззатларни кесувчи нима, ё Расулуллоҳ?» деб сўралганда: **«Ўлим»,** деб жавоб берганлар (Саҳиҳул-жомиъ: №121, Насоий: 1/258, Термизий: 2/50, Ибн Можа: 2/4258, Ибн Ҳиббон: №2559, Ҳоким: 4/321 ва бошқалар ривояти).

Огоҳ бўлинг, эй мусулмон биродар, ўлим яқинлашиб келмоқда.. Биз моддапарастлик ва шаҳватлар туғён урган даврда яшамоқдамиз.. Жуда кўпчилик одамлар еру осмонлар Парвардигори билан йўлиқиш борлигини бутунлай унутган.. Ушбу ҳақиқат сизнинг зеҳнингизда, ақлингизда ва қалбингизда мустаҳкам ўрнашиши зарур.. Дунё ҳаёти чекланган, ажал-муҳлат белгилаб қўйилган. Бир кун у албатта ниҳоясига етади, солиҳлар ҳам ўлади, толиҳлар (ёмонлар) ҳам ўлади, мужоҳидлар ҳам ўлади, панада ўтирганлар ҳам ўлади, ақида билан юксалганлар ҳам ўлади, қулларга бўйин эгиб ўтганлар ҳам ўлади, хорликка қарши бош кўтарган содиқ ва мухлис инсонлар ҳам ўлади, қандай қилиб бўлмасин, яшаб қолишга ҳарис бўлган қўрқоқлар ҳам ўлади.. Улкан ҳиммат ва юксак ғоялар эгалари ҳам ўлади.. Арзон ва енгил-елпи ҳаётни ихтиёр этган пасткаш ва тубан кимсалар ҳам ўлади.. Ҳамма ўлади. **«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир»** (Оли Имрон: 185).

Шунинг учун ҳам бу ҳақиқат Қуръони каримда «ҳаққи-рост» деб номланди. Аллоҳ таоло айтади: **«Мана ўлим мастлиги** (яъни жон чиқар

пайти) **ҳаққи-рост** (етиб) **келди.** (Эй инсон), **бу** (ўлим) **сен қочувчи бўлган нарсадир.** (Қайта тирилишга даъват қилувчи) **Сур ҳам чалинди.— Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир! — Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳга) **ҳайдовчи** (бир фаришта) **ва** (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик берувчи** (бир фаришта) **бўлган ҳолда келди.** (Эй инсон), **аниқки, сен бу** (оғир Кун)**дан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни** (яъни мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шак-шубҳаларингни) **очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир»** (Қоф: 19-22).

Ўлим мастлиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, сиз ўласиз, ёлғиз Аллоҳ таоло абадий ўлмаяжакдир..

Ўлим мастлиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, сиз ўлимингиз пайтида раҳмат фаришталарини ёки азоб фаришталарини кўзингиз билан кўрасиз..

Ўлим мастлиги ҳаққи-рост етиб келди. Ҳақ шуки, қабрингиз жаннат боғларидан бир боғга, ё эса дўзах чоҳларидан бир чоҳга айланади..

«(Эй инсон), **бу** (ўлим) **сен қочувчи бўлган нарсадир**».. Бу сен қўрққан нарсадир..

Касаллик етса, табибга қараб чопасан.. Ўлимдан қўрқиб..

Очлик етса, таомга югурасан.. Ўлимдан қочиб..

Ташналик етса, сувга қараб интиласан.. Ўлимдан даҳшатга тушиб..

Лекин... Хўш, кейинчи?! Охири нима бўлади?!

Эй куч-қувват эгаси.. Эй оқил.. Эй кучли талант соҳиби.. Эй каттакон.. Эй вазир.. Эй амир.. Эй сағир..

Ҳар бир йиғловчи устидан йиғлайдилар..

Ҳар бир хабарчининг ҳам ўлими хабари берилур..

Ҳар бир асралган нарса ҳам тугайди..

Ҳар қандай зикр қилинувчи ҳам унутилади..

Аллоҳдан бошқа ҳеч ким боқий қолмайди..

Ким устунман деса, Аллоҳ ундан устундир..

...

Аллоҳ таоло айтади: **«Дарҳақиқат** (жон) **халқумга етган,** (вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан): **«Дам солиб-ўқиб қўювчи бирон киши борми?», деб қолинган,** (жон таслим қилаётган

кимсанинг) **ўзи** (бу ҳолатнинг ҳаёти-дунёдан) **ажралиш эканини англаган ва** (жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда — ана ўша Кунда ёлғиз Парвардигорингиз** (ҳузури)**га ҳайдалиш бордир!»** (Қиёмат: 26-30).

Жон ҳалқумга етган пайтда.. «Руқя қилиб – дам солиб қўядиган одам борми? Даволай оладиган бирон киши борми? Уни ўлимдан тўсиб қолишга қодир бирон киши борми?», деб қолинган вақтда..

Қаранг унга!! Ким эди у?! Салтанат эгаси эди!! Туганмас мол-дунё соҳиби эди!! Дабдабали автоуловлари, ҳашаматли саройлари бор эди!! Вазирлари хизматига қўл қовуштириб турарди!!

Ўлим тўшагида ётган ҳолатига қаранг.. Атрофини табиблар ўраб олган.. Кимдир дам солаётган.. Яна кимдир даволашга уринаётган.. Улар бир нарсани истайдилар, подшоҳлар подшоҳи эса бошқа нарсани истайди..

Унинг аҳволига боқинг.. Юзи сарғайган, ранги ўчган, аъзои бадани совқотган, терилари тортишган, қўл-оёқлари бармоқларига муз югураётганини ҳис қилиб ётибди.. Тилини тавҳид калимаси билан қимирлатишга зўр бериб уринади.. Тили эса тоғдек оғир, қимир этмайди.. Аллоҳ таоло «ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтишга муяссар қилмаган одамнинг тили қимирламай тураверади. Фақат иймон билан яшаб, иймон устида вафот этган киши бундан мустасно. Парвардигоримиз жалла ва ало айтганидек: **«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб, сўнгра** (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) **тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдиларига** (ўлим пайтида) **фаришталар тушиб,** (дерлар): **«Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! Бизлар ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун** (жаннатда) **кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир.** (Бу) **мағфиратли ва меҳрибон зот томонидан бўлган зиёфатдир»** (Фуссилат: 30-32).

Аҳли-оиласига, ёру-дўстларига мўлтираб қарайди.. Уларнинг юзлари гоҳ тиниқлашиб, гоҳ шарпадек хиралашиб кўринади.. Ўзи ётган хона гоҳ

кичрайиб, игнанинг тешигидек бўлиб қолаётгандек, гоҳ эса кенгайиб, бепоён фазога ўхшаб қолаётгандек бўлади..

Ўлим мастлиги ва шиддати ичида ўзига келган пайт атрофидагиларга жавдираб, раҳм-шафқат тилагандек, умидвор ва ялинчоқ назар билан боқади.. Гапира олса тили билан, тили сўзга келмаса, ҳолати тили билан уларга айтади:

Қадрдонларим.. Болаларим.. Ўғилларим.. Мени ташлаб кетманглар, қабрда ёлғиз қолдириб кетманглар.. Мен отангизман, сизларни севган падарингизман.. Сизларга бу қасрларни мен қуриб берганман.. Бу ҳовли-жойларни мен обод қилганман.. Тижоратингизни мен ривожлантирганман.. Мен обрў-эътибор эгасиман.. Мен вазорат эгасиман.. Мен салтанат соҳибиман.. Мен туганмас мол-дунё эгасиман.. Мен мансаб ва курси эгасиман.. Мен.. Мен.. Мени ташлаб кетманглар, қабрда ёлғиз қолдирманглар!!

Менга ўз умрингиздан бир чимдимгина беринг.. Қай бирингиз умримни ҳеч йўқ бир-икки соатга узайтира олади?..

Ана шу пайтда ҲАҚ овози юксалади. Аллоҳ жалла ва ало айтганидек:

«Бас, қачон (вафот қилаётган кишининг жони) **халқумига етганида — ҳолбуки ўша вақтда сизлар қараб турурсизлар ва Биз унга сизлардан кўра яқинроқ бўлурмиз, лекин сизлар** (буни) **кўрмайсизлар** (билмайсизлар) **— Бас, агар сизлар эгасиз бўлсангизлар,** (ва ўзларингизнинг: «ҳеч қандай эга — Парвардигор ҳам, қайта тирилиш ҳам йўқ», деган сўзларингизда) **ростгўй бўлсангизлар ўша** (жонни яна жасадга) **қайтара олсангизлар эди!** (Йўқ, ҳеч қачон қайтара олмассизлар). **Энди агар ўша** (вафот қилувчи киши Аллоҳга) **яқин қилинган** (пешқадам)**лардан бўлса, у ҳолда** (унинг учун) **роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат бордир! Энди агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, у ҳолда** (эй саодатманд бандам), **сенга ўнг томон эгаларидан салом бўлгай! Энди агар у** (қайта тирилишни) **ёлғон деювчи гумроҳлардан** (яъни чап томон эгаларидан) **бўлса, у ҳолда қайноқ сувдан иборат «зиёфат» ва дўзахга киритилиш бордир! Шак-шубҳасиз** (ушбу сурада зикр қилинган нарсалар) **айни ҳақиқатнинг ўзидир! Бас, улуғ Парвардигорингизнинг номини** (ҳар қандай айб-нуқсондан) **поклаб-тасбеҳ айтинг!»** (Воқеа: 83-96).

Сени поклайман, эй ўлим билан зўравонлар бўйнини хорликка гирифтор этган Зот!

Сени поклайман, эй ҳукмдорлар орзуларига ўлим билан чек қўйган Зот!

Сени поклайман, эй уларни ўлим сабабли қасрлардан қабрларга, саройлар ёруғидан мозорлар зулматига, қиз-жувонлар қучоғидан қурт-қумурсқалар ўчоғига, маишатлар лаззатидан тупроғу лойлар ваҳшатига кўчирган Зот!!

«Дарҳақиқат (жон) **халқумга етган,** (вафот қилаётган кимсанинг атрофидагилар томонидан): **«Дам солиб-ўқиб қўювчи бирон киши борми?», деб қолинган,** (жон таслим қилаётган кимсанинг) **ўзи** (бу ҳолатнинг ҳаёти-дунёдан) **ажралиш эканини англаган ва** (жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақт...»**

Дунёдан фақат шугина нарса билан кетадими?!.. Биргина кафанлик.. Бор йўғи бир бўлак мато.. Қани мол-мулки?! Қани обрўси?! Қани мансаб курсиси? Қани салтанати? Қани долларлари? Қани кўзининг оқу-қораси бўлган болалари? Қани армияси? Қани самолётлари? Қани танклари? Қани вазирликлари?..

Дунёдан шу биргина кафан билан кетадими?!..

Маййитнинг ортидан уч нарса – моли, аҳли-оиласи ва амали эргашиб боради, биттаси қолиб, иккитаси қайтиб кетади. Аҳли-оиласи ва моли қайтиб кетади.. Мол-мулки ворисларига тақсим қилиб берилади. Фақат амали у билан қолади.

Эй мол-дунёси Аллоҳ жалла ва алонинг ҳақ-ҳуқуқларини адо этишдан машғул қилиб қўйган инсон!

Эй мол-мулки Аллоҳ жалла ва алога сажда қилишдан машғул қилган инсон!

Эй уйида ё дўконида ё даласида ё идорасида ё вазирлигида экани ҳолда муаззиннинг «Намозга шошилинглар!» деган нидосини эшитган, бироқ Аллоҳ таолога бандалик ва хорлик изҳор қилиб, пешонасини саждага қўйиш учун ўрнидан қўзғолиб ҳам қўймаган инсон! Фикр юрит.. Сенга ҳолат тили билан айтилмоқда:

Бир ўзингни ёлғиз ташлаб қайтдилар.. Сени тупроққа дафн этдилар.. Ҳисоб-китобга кўндаланг этдилар.. Сени ташлаб кетмаган ва ёнингда

қолган бўлганларида ҳам, барибир ҳеч нарса қилиб беролмас эдилар.. Сенга бирон фойда етказа олмас эдилар.. Сенинг ёнингда фақат қилган амалларинг-у, Аллоҳ таолонинг раҳматини умид қилишдан ўзга бирон илинж қолмади..

Ҳаммаси тугади.. Фалончи қани? Ўлди!..

Қанча ҳолатлар бўладики, одамлар оқшомни шод-хуррамлик, ўйин-кулгилар билан бедор ўтказадилар.. Эрта тонгда эса атрофни уларнинг йиғи овозлари тутади.. **«Албатта охирги чегара ёлғиз Парвардигорингиз олдига** (бормоқлик)**дир. Албатта кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг Ўзидир. Албатта ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Унинг Ўзидир»** (Нажм: 42-44).

Ҳаммамизнинг пешонамизга фано-йўқлик битилган, ғолиб ҳам, мағлуб ҳам кетади..

Ҳорун ар-Рашид ўлим тўшагида ётаркан, атрофидаги яқинларига: «Дафн этилажак қабримни кўришни истайман», деди. Уни қабри ёнига кўтариб олиб келдилар.. Ҳорун ар-Рашид қабрга боқиб йиғлади, сўнг уни кузатиб келган кишиларга қараб: **«Менга мол-дунёйим асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!»**, деди (Ал-ҳаққо: 28, 29). Сўнг бошини осмонга кўтариб, йиғлаган кўйи: «Эй мулку салтанати абадий Зот! Салтанати қўлдан кетган кимсага Ўзинг раҳм қилгайсан», деди..

Фузайл ибн Иёз бир кишидан: сўради:

- Ёшингиз нечада?
- Олтмишда, - жавоб берди у.
- Демак, сиз олтмиш йилдан бери Аллоҳ ҳузурига қараб бораяпсиз экан, етишингизга ҳам оз қолибди.
- Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъувн (Ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва Аллоҳ ҳузурига қайтамиз), - деди киши.
- Эй биродар, бу сўзларнинг маъносини биласизми? – сўради Фузайл.
- Ҳа, биламан. Мен Аллоҳнинг бандасиман ва Унинг ҳузурига қайтаман.
- Эй биродар! Ким ўзининг Аллоҳга банда эканини ва Унга қайтажак эканини билса, ўзининг Унинг олдида туришини билади. Ким Унинг

олдида туришини билса, ўзининг сўроққа тутилажак эканини билади. Ким ўзининг сўроққа тутилишини билса, саволга жавобини тайёрлаб қўйсин.

- Чораси нима? – сўради ҳалиги киши йиғлаб.
- Осон – деди Фузайл.
- Менга айтиб беринг, Аллоҳ сизга раҳматини ёғдирсин.
- Қолган умрингизда Аллоҳдан тақво қиласиз, Аллоҳ ўтган ва бўлажак гуноҳларингизни кечиради.

...

Ҳамма ўлади.. Ҳаёт дегани шу, эй одамзот! Эй тупроқдан бинога келган, эртага яна тупроққа қўшилиб кетадиган ожиз банда! Нечун бунчалар кибр?!! Недан бу қадар ғурур?!!

Аслингни унутдингми?! Ожизлигингни эсдан чиқардингми? Заиф ва муҳтожлигинг ёдингдан чиқдими?! Тупроқдан яралганинг ва яна тупроққа айланиб кетишинг эсингда йўқми?!

Шундоқ экан, нима учун Аллоҳнинг динига, Пайғамбарининг суннатларига қарши уруш олиб борасан?! Аллоҳнинг йўлидан тўсишга жон-жаҳдинг билан уринасан?!

Кўзингни оч.. Ғафлатдан уйғон.. Агар мансаб курсиси бировга вафо қилганида, ҳеч қачон сенга етиб келмаган бўларди!!

Дунё ҳаёти ҳар қанча узоқ бўлмасин, барибир қисқа.. Дунё ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақир.. Чунки, кеча ҳар қанча узун бўлмасин, барибир тонг отиши бор.. Умр ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қабрга кириш бор..

Огоҳ бўлинг ва унутмангки, дунё йўл-йўлакай қўниб ўтиладиган ҳовли.. Охират эса абадий қароргоҳдир..

Бас, шундай экан, муваққат қўнимгоҳингиздан абадий қароргоҳингизга керакли нарсаларни ола кетишни унутманг.. Барча сир-асрорингиздан бохабар Зот олдида пардаларингиз чок-чокидан сўкилиб, сирларингиз тўкилиб қолмасин..

Луқмон ҳаким фарзандига деди: Эй фарзанд! Сен дунёга келган кунингдан бошлаб, дунёни ортингда қолдириб, охират сари юриб бормоқдасан.. Сен ўзинг яқинлашиб бораётган ҳовлига узоқлашиб бораётганинг ҳовлидан кўра яқинроқсан..

Қанча умр кўрасан?!! Эй сўроққа тортилувчи банда! Эй зиммасига Аллоҳ омонатни – ҳукмдорлик омонатини, ахборот воситалари омонатини, вазирликлар омонатини, тарбия омонатини, йўл-йўриқ кўрсатиш омонатини, ота-оналик омонатини юклаб қўйган инсон!

Эй муслим.. Эй муслима..

Бир ҳақиқат асло ёдимиздан кўтарилмаслиги шарт: Ўлим яқинлашиб келмоқда!

Замонлар ва маконлар оша ҳар бир тирик жоннинг ақлига ва қулоғига етиб бориши лозим бўлган улкан ҳақиқат шуки, боқийлик фақат Мангу Барҳаёт Зотга тегишлидир.

Бу шундай ҳақиқатки, унинг олдида мутакаббирларнинг кибри синади.

Бу шундай ҳақиқатки, унинг олдида динсизларнинг қайсарлиги иш бермай қолади.

Бу шундай ҳақиқатки, унинг олдида ўзини худо санаган энг катта зўравонлар ҳам тиз чўкади.

«(Ер) **юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина боқий мангу қолур»** (Ар-раҳмон: 26, 27).

Огоҳ бўлинг, ўлим келмоқда..

Зеҳнда мустаҳкам ўрнашиши зарур бўлган ҳақиқат бу..

Зеро, агар масъул шахс бу ҳақиқатни дилида сақласа, ўзининг қўл остидагилар хусусида Аллоҳдан қўрқади.

Ота бу ҳақиатни дилида сақласа, фарзандлари ва аҳли-аёли хусусида Аллоҳдан қўрқади.

Она агар бу ҳақиқатни дилида сақласа, эри ва болалари ҳаққида Аллоҳдан қўрқади.

Яқин кунда мол-мулкини ташлаб кетишини, мансаб курсисидан айрилишини, бор обрў-эътибори қўлдан кетишини билади.. Ўзининг подшоҳлар подшоҳи, еру осмонлар Эгаси ҳузурида туришини кўз олдига келтиради.. Ҳа, яқин кунлар ичида Ҳақ таоло сиз билан гаплашади.. Ўртада таржимон бўлмаган ҳолатда гаплашади.. «Саҳиҳайн»да Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Сизлардан ҳар бирингиз билан Парвардигори қиёмат кунида ўртада таржимон**

бўлмаган ҳолда гаплашади. У (банда) ўнг томонига қараб, фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, чап томонига қараб ҳам фақат ўзи қилиб ўтган ишларни кўради, олди томонига қараб, рўпарасида дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Бас, шундай экан, яримта хурмо билан бўлса-да дўзахдан сақланингиз!» (Бухорий (№6539), Муслим (№1016) ривоятлари).

Кўзингни оч, эй бечора!

Дунё қозиларидан бир қози олдида турсанг (яъни маҳкамага тортилсанг), аъзои баданинг титраб-қақшаб, рангинг сарғайиб, танангдан мадор кетиб, оёқларинг қалтираб қолади.. Подшоҳлар подшоҳи жалла ва ало ҳузурида туришингни ўйлаб кўрдингми ҳеч?!

Шеър мазмуни:

«Тасаввур қил, ҳисоб куни маҳшаргоҳ ичра,

Турасан қўрқиб, гангиб, вужудинг титраб..

Жаҳаннам даҳшат ва ғазаб билан осийларни ўз бағрига чорлайди..

Арш соҳиби ғазабнок дейди:

«Эй банда, китобингни бирма-бир ўқи..

Унда биргина бўлсин, сен қилмаган иш ёзилибдими?!»

Китобингни ўқиб, ундаги ҳамма нарсага иқрор бўлганингдан сўнг,

Жалил нидо қилур: «Ушланг уни эй фаришталарим,

Бу осий бандани унга ташна бўлган дўзахга судранг!».

Мушриклар эртага дўзахда ёнарлар,

Мўминлар абадий жаннатда қоларлар».

Огоҳ бўлинг, биродарим!

(وَجَاءَتْ سَكْرَةُ الْمَوْتِ بِالْحَقِّ ذَلِكَ مَا كُنْتَ مِنْهُ تَحِيدُ (١٩) وَنُفِخَ فِي الصُّورِ ذَلِكَ يَوْمُ الْوَعِيدِ)

«Мана ўлим мастлиги (яъни жон чиқар пайти) **ҳаққи-рост** (етиб) **келди.** (Эй инсон), **бу** (ўлим) **сен қочувчи бўлган нарсадир.** (Қайта тирилишга даъват қилувчи) **Сур ҳам чалинди. Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир!»** (Қоф: 19, 20).

Сурни ким чалади? Исрофил алайҳиссалом.. Кимнинг амри билан? Подшоҳлар подшоҳининг амри билан..

Сур биринчи марта ҳаммани даҳшатга солиш учун чалинади:

(وَيَوْمَ يُنْفَخُ فِي الصُّورِ فَفَزِعَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الأَرْضِ إِلاَّ مَنْ شَاءَ اللَّهُ وَكُلٌّ أَتَوْهُ دَاخِرِينَ (٨٧))

«Сур чалиниб, Аллоҳ Ўзи хохлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва ердаги (барча) **кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот** (ҳузурига) **бўйин эгган ҳолда келган кунни эсланг»** (Намл: 87).

Иккинчи бор жонзотларни беҳуш ва бежон қилиш учун чалинади:

(وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الأَرْضِ)

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди...». (Зумар: 68).

Кейин Аллоҳнинг амри билан учинчи бор чалинади:

(ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَى فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ)

«Сўнгра у яна бир бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) **туриб,** (Аллоҳнинг амрига) **кўз тутарлар»** (Зумар: 68).

Одамлар ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда қабрларидан чиқиб келадилар.. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам? Ҳа, эркагу аёл аралаш.. Эркак-аёл яланғоч ҳолда туради.. Бироқ, даҳшат ва эсанкираш ичида на ўзининг ва на бошқанинг яланғочлигини билади, на бир-бирига қараш хаёлига келади.. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.. Нима бўлди ўзи?.. Бу не ҳол?..

(يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمْ إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ (١) يَوْمَ تَرَوْنَهَا تَذْهَلُ كُلُّ مُرْضِعَةٍ عَمَّا أَرْضَعَتْ وَتَضَعُ كُلُّ ذَاتِ حَمْلٍ حَمْلَهَا وَتَرَى النَّاسَ سُكَارَى وَمَا هُمْ بِسُكَارَى وَلَكِنَّ عَذَابَ اللَّهِ شَدِيدٌ (٢))

«Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро (қиёмат) **соати** (олдидаги) **зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган** (оналар) **эмизиб турган** (боласини) **унутар ва барча ҳомиладор** (аёллар) **ўз ҳомиласини ташлаб юборар, одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир»** (Ҳаж: 1, 2).

(فَإِذَا جَاءَتِ الصَّاخَّةُ (٣٣) يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ (٣٤) وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ (٣٥) وَصَاحِبَتِهِ وَبَنِيهِ (٣٦) لِكُلِّ امْرِئٍ مِنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ يُغْنِيهِ (٣٧))

«Бас, қачон (қулоқларни) **кар қилувчи** (даҳшатли қичқириқ) **келганда** (яъни сур иккинчи марта чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда ҳар бир инсон ўзи билан ўзи бўлиб қолур)**! У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур!** (Чунки) **улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!»** (Абаса: 33-37).

(وَنُفِخَ فِي الصُّورِ ذَلِكَ يَوْمُ الْوَعِيدِ (٢٠))

«(Қайта тирилишга даъват қилувчи) **Сур ҳам чалинди. Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир!»** (Қоф: 20).

У қиёмат кунидир.. Ҳасрат-надомат кунидир.. У «Ал-Ҳаққа» (аниқ рўй берувчи) кундир.. У «Ал-Аазифа» (яқин бўлувчи) кундир.. У Зилзила кунидир.. У ваъда қилинган кундир..

(يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ أَمَدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ (٣٠))

«Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳам ёмон амалларини ҳозиру нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган КУНни (эсланглар)**!»** (Оли Имрон: 30).

Огоҳ бўлинг, биродар! Ўша КУН келмоқда!.. Аллоҳга қасамки, агар иш ўлим билан ниҳоясига етганида, қайта тирилиш ва ҳисоб бўлмаганида, жуда осон ва енгил қутулган бўлардик!

Бироқ.. Ўлимдан сўнг қайта тирилиш бор.. Тирилгандан сўнг маҳшарга йиғилиш бор.. Йиғилгандан сўнг номаи аъмоллар берилиши бор.. Ундан сўнг мезон-тарози бор.. Ундан сўнг жаннат ва дўзах бор.

Аллоҳга қасамки, иш жуда хатарли!

Аллоҳ жалла ва ало ҳузурида турасиз, тавҳид ва иймон аҳлидан бўлсангиз, У сиз билан сўзлашади. Истиқомат (тўғрилик) аҳлидан бўлсангиз, У сизни Ўзига яқинлаштиради.

Бутун дунё бойликларига алишмагудек мана бу ҳадиси шарифга қулоқ солинг..

«Саҳиҳайн»да Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«إِنَّ اللَّهَ يُدْنِى الْمُؤْمِنَ فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَنَفَهُ ، وَيَسْتُرُهُ فَيَقُولُ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا فَيَقُولُ نَعَمْ أَىْ رَبِّ . حَتَّى إِذَا قَرَّرَهُ بِذُنُوبِهِ وَرَأَى فِى نَفْسِهِ أَنَّهُ هَلَكَ قَالَ سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِى الدُّنْيَا ، وَأَنَا أَغْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ . فَيُعْطَى كِتَابَ حَسَنَاتِهِ.»

«Аллоҳ таоло мўминни яқин келтириб, унинг устига пардасини ташлайди ва (бошқалар кўзидан) **яширади, сўнг уни гуноҳларига иқрор қилдиради: «Фалон-фалон гуноҳни эътироф этасанми?» У: «Ҳа, эътироф этаман эй Раббим», дейди. Барча гуноҳларига иқрор қилдиргач ва банда ўзича энди албатта тамом бўлдим деб ўйлагач, шунда: «Сен учун дунёда буларни яширган эдим, энди бугун эса уларни мағфират этаман», дейди. Сўнг унга яхши амалларининг саҳифаси берилади»** (Бухорий: 2/98, №2441, Аҳмад: 2/74, Муслим: 8/105, Ибн Можа: №183).

Номаи аъмоли ўнг тарафидан берилади.. Юзи ёруғ бўлади.. Юзидан ва ўнг томонидан нур ёғилиб туради:

(يَوْمَ لا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَى بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَتْمِمْ لَنَا نُورَنَا وَاغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (٨))

«У Кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар» (Таҳрим: 8).

Эй Парвардигор! Бизларни ҳам нур эгаларидан қилгайсан.. У китобини ўнг томонидан олади.. Юзи ёруғ бўлади.. Бутун вужудидан нур

ёғилган ҳолда дўсту ёрлари, тавҳид ва иймон аҳли ҳузурига йўл олади.. Уларга шундай деб хитоб қилади: «Мана менинг номаи аъмолим! Ўқинглар уни! Раббим уни менга ўнг томонимдан берди! Нақадар хурсандман! Нақадар бахтлиман! Энди ҳеч қачон бахтсиз бўлмайман! Ҳеч қачон зиёнкор ва ноумид бўлмайман!..

Ўқинглар китобимни! Мана бу тавҳидим.. Мана буниси намозим.. Буниси закотим.. Бу эса ҳажим. Буниси эзгу амалим.. Бу садақам.. Бу даъватим.. Бу ихлосим.. Бу инфоқ-эҳсоним.. Буниси саховатим..

(فَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَيَقُولُ هَاؤُمُ اقْرَءُوا كِتَابِيَهْ (١٩) إِنِّي ظَنَنْتُ أَنِّي مُلاقٍ حِسَابِيَهْ (٢٠) فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَاضِيَةٍ (٢١) فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ (٢٢) قُطُوفُهَا دَانِيَةٌ (٢٣) كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا أَسْلَفْتُمْ فِي الأَيَّامِ الْخَالِيَةِ (٢٤))

«Энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, у: «Мана менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат мен ҳисоб-китобимга (яъни охиратдаги ажр-мукофотга) **рўбаръ бўлишимни билган эдим», дер. Сўнг у қониқарли ҳаётда, мевалари** (аҳли жаннат учун) **яқин бўлган юксак жаннатда бўлур.** (Жаннат аҳлига) **«Ўтган кунларда** (яъни ҳаёти дунёда) **қилиб ўтган** (эзгу) **амалларингиз сабабли** (ушбу ноз-неъматларни) **ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверинглар»,** (дейилур)**»** (Ал-Ҳаққо: 19-24).

Аммо, иш бошқача бўлса – Аллоҳ барчамизни ундай бўлишдан Ўзи асрасин ва сизу бизнинг хотимамизни муваҳҳидлар хотимаси қилсин – у ҳолда, Аллоҳ таолонинг олдида бош эгиб, қаттиқ хорлик ва ўта шармандали ҳолатда туради.

(وَتَرَى الْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ مُقَرَّنِينَ فِي الأَصْفَادِ (٤٩) سَرَابِيلُهُمْ مِنْ قَطِرَانٍ وَتَغْشَى وُجُوهَهُمُ النَّارُ (٥٠))

«У Кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур» (Иброҳим: 49, 50).

Еру осмонлар Парвадигори олдида ўта аянчли бир ҳолда туради.

Тавҳид аҳлини камситиб, осмонларга кўтарилган бошинг қани?!

Иймонли кишилар қаршисида осмонларга кўтарилган бурнинг қаерда қолди?!

Қани обрў-эътиборинг?! Қани мағрурлигинг?! Қани кибринг?!

(وَاسْتَفْتَحُوا وَخَابَ كُلُّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ (١٥) مِنْ وَرَائِهِ جَهَنَّمُ وَيُسْقَى مِنْ مَاءٍ صَدِيدٍ (١٦) يَتَجَرَّعُهُ وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُ وَيَأْتِيهِ الْمَوْتُ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ وَمَا هُوَ بِمَيِّتٍ وَمِنْ وَرَائِهِ عَذَابٌ غَلِيظٌ (١٧))

«(Сўнгра пайғамбарлар Аллоҳдан) **мадад тиладилар ва барча жабркор-саркаш кимсалар бахтсизликка дучор бўлдилар. Унинг** (яъни, ҳар бир кофир бўлган кимсанинг) **олдида жаҳаннам бордир.** (Жаҳаннамда) **унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю,** (томоғидан) **ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг ортида** (бундан-да) **оғир азоб бордир»** (Иброҳим: 15-17).

Аллоҳ таоло унга китобини чап тарафидан ёки орқа томонидан беради, юзи қаро бўлади, эгнига оловли мойдан бўлган кийим кийдирилиб: «Дўзахга равона бўл, ўзингга ўхшаган кимсаларга аҳволингдан хабар бер!», дейилади. Юзи қорайиб, маҳшаргоҳ узра йиғлаб, фарёд қилиб боради:

(وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ فَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي لَمْ أُوتَ كِتَابِيَهْ (٢٥) وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيَهْ (٢٦) يَا لَيْتَهَا كَانَتِ الْقَاضِيَةَ (٢٧) مَا أَغْنَى عَنِّي مَالِيَهْ (٢٨) هَلَكَ عَنِّي سُلْطَانِيَهْ (٢٩) خُذُوهُ فَغُلُّوهُ (٣٠) ثُمَّ الْجَحِيمَ صَلُّوهُ (٣١) ثُمَّ فِي سِلْسِلَةٍ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذِرَاعًا فَاسْلُكُوهُ (٣٢) إِنَّهُ كَانَ لا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ (٣٣) وَلا يَحُضُّ عَلَى طَعَامِ الْمِسْكِينِ (٣٤) فَلَيْسَ لَهُ الْيَوْمَ هَاهُنَا حَمِيمٌ (٣٥) وَلَا طَعَامٌ إِلاَّ مِنْ غِسْلِينٍ (٣٦) لا يَأْكُلُهُ إِلاَّ الْخَاطِئُونَ (٣٧))

«Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, у дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса эди! Мен ҳисоб-китобим

(яъни оладиган жазойим) **нима эканлигини билмасам эди! Эҳ қанийди, ўша** (биринчи ўлим барча нарсани) **тугатувчи-узувчи бўлса** (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) **эди! Менга** (не машаққатлар билан топган) **мол-дунёйим асқотмади-я! Мулку салтанатим ҳам йўқ бўлиб кетди-я!»** (Аллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер): **«Уни ушлаб, кишанланглар! Сўнгра дўзахга ташланглар! Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!» Чунки у** (ҳаёти дунёдалик пайтида) **Улуғ Аллоҳга иймон келтирмас эди. мискин-бечорага таом беришга** (ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам) **тарғиб қилмас эди. Бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир! Бирон таом ҳам йўқдир! Фақат йирингдан бўлган** (бир «таом» борки), **уни фақат** (йўлдан) **адашган** (кофир)**ларгина ерлар!»** (Ал-ҳааққа: 25-37).

Аллоҳ таолодан барчамизнинг хотимамизни тавҳид устида қилишини сўрайман.

Севикли биродарим!

(وَنُفِخَ فِي الصُّورِ ذَلِكَ يَوْمُ الْوَعِيدِ (٢٠) وَجَاءَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَعَهَا سَائِقٌ وَشَهِيدٌ (٢١) لَقَدْ كُنْتَ فِي غَفْلَةٍ مِنْ هَذَا فَكَشَفْنَا عَنْكَ غِطَاءَكَ فَبَصَرُكَ الْيَوْمَ حَدِيدٌ (٢٢))

«(Қайта тирилишга даъват қилувчи) **Сур ҳам чалинди. Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир! Ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳга) **ҳайдовчи** (бир фариштa) **ва** (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик берувчи** (бир фариштa) **бўлган ҳолда келди.** (Эй инсон), **аниқки, сен бу** (оғир Кун)**дан ғафлатда эдинг. Биз сендан пардангни** (яъни мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шак-шубҳаларингни) **очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир. »** (Қоф: 20-22).

Молинг сени машғул қилиб қўйди.. Обрў-эътиборинг сени машғул қилиб қўйди.. Тижоратинг сени машғул қилиб қўйди.. Вазирлигинг сени машғул қилиб қўйди.. Идоранг (офисинг) сени машғул қилиб қўйди.. Мансаб курсинг сени машғул қилиб қўйди.. Аёлинг сени машғул қилиб қўйди.. Ўғлинг сени машғул қилиб қўйди.. Қизинг сени машғул қилиб қўйди..

Азиз биродарим!

Биз бу гапларимиз билан ҳеч кимни умидсизликка туширмоқчи эмасмиз.. Бор йўғи бугун уммат Содиқу Амин зотнинг, ўз хоҳишларидан сўзламайдиган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларининг тасдиғига айланиб қолганини айтмоқчимиз, холос.. Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ ثَوْبَانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- « يُوشِكُ الأُمَمُ أَنْ تَدَاعَى عَلَيْكُمْ كَمَا تَدَاعَى الأَكَلَةُ إِلَى قَصْعَتِهَا ». فَقَالَ قَائِلٌ وَمِنْ قِلَّةٍ نَحْنُ يَوْمَئِذٍ قَالَ «بَلْ أَنْتُمْ يَوْمَئِذٍ كَثِيرٌ وَلَكِنَّكُمْ غُثَاءٌ كَغُثَاءِ السَّيْلِ وَلَيَنْزِعَنَّ اللَّهُ مِنْ صُدُورِ عَدُوِّكُمُ الْمَهَابَةَ مِنْكُمْ وَلَيَقْذِفَنَّ اللَّهُ فِى قُلُوبِكُمُ الْوَهَنَ ». فَقَالَ قَائِلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْوَهَنُ قَالَ «حُبُّ الدُّنْيَا وَكَرَاهِيَةُ الْمَوْتِ».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳали устингизга халқлар худди емакхўрлар товоғига ташланганидек ёпирилиб келади»**, дедилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, ўша куни озчилик бўлганимизданми?», деб сўрадик. **«Сизлар у куни кўпчилик бўласизлар, лекин худди селнинг кўпиги каби кўпик бўласизлар, душманларингиз қалбидан маҳобат (қўрқув) олиб қўйилади ва қалбларингизга ваҳн солиб қўйилади»**, дедилар. «Ваҳн нима?», дедик. **«Дунёга муҳаббат ва ўлимни ёмон кўриш»**, дедилар» (Саҳиҳул-жомиъ: №8183, Абу Довуд: №958, Аҳмад: 5/278 ва бошқалар).

Мана, умматнинг жисмини эгаллаб олган ва уни пешоналарига абадий хорлик битиб қўйилган маймуну тўнғизларнинг оғалари (яҳудийлар) оёқлари остида хорликка гирифтор қилиб қўйган оғир дард нима экан..

Бунинг ёлғиз сабаби шуки, уммат дунёга муҳаббат қўйди ва ўлимни ёмон кўрди.. Ўлимга тайёрланиб амал қилмади.. Аллоҳ билан учрашувга ўзини ҳозирламади.

Эй биродар, ўзингизни ҳеч Аллоҳ таоло ҳузурида туришингизни тасаввур қилиб кўрганмисиз?!

Ҳозир, мана шу ҳолингизда, шунча гуноҳлар, камчилик ва нуқсонлар билан Аллоҳ азза ва жаллага рўпара келишни истармидингиз?!

Эй шайтоннинг йўриғига юриб, Аллоҳнинг тоатидан машғул бўлиб қолган, маъсиятларга ғарқ бўлган инсон! Кўзингни оч.. Ғафлат уйқусидан уйғон.. Аллоҳга тавба қил..

Иккинчи хутба

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд...

Севикли биродарим! Огоҳ бўлинг, ўлим яқинлашиб келмоқда..

Юқорида тарҳиб (қўрқитув) услубида сўзлаган бўлсак, келинг энди тарғиб услубида сўзлайлик, қалбингизга умид уруғларини экайлик..

Севикли биродарим! Келинг, Аллоҳга тавба қилинг, сидиқидилдан Унга қайтинг, гуноҳларингиз ҳар қанча кўп бўлмасин, ноумид бўлманг.. Маъсиятларингиз нақадар оғир, хато ва нуқсонларингиз ҳарчанд улкан бўлмасин, вужудингизни асло умидсизлик руҳи эгаллаб олмасин..

Келинг, ҳозироқ тавбангизни янгиланг, янгидан Аллоҳга қайтинг, Раббингизга холис тавба қилишга аҳд беринг..

Эй намозларини зое қилган банда, Аллоҳга қайтинг ва намозларни жамоат билан адо этишни бошланг..

Эй закотни зое қилиб юрган биродар, келинг, Аллоҳнинг ҳаққини адо этинг.

Эй ота-онасига осий ва оқ бўлиб юрган...

Эй Аллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқларида сусткашлик қилиб юрган..

Эй биродарларига озор бериб юрувчи..

Эй Аллоҳ ва Расулига қарши курашиб келган..

Аллоҳга қайт.. Аллоҳга тавба қил.. Билгинки, Аллоҳ жалла ва ало кечиримли ва марҳаматли Зотдир, тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли Зотдир. Келинг, ҳаммамиз Унга тавба қилайлик, эй мўминлар!

(قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَى أَنْفُسِهِمْ لا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ (٥٣))

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Азиз биродарим!

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- يَقُولُ « قَالَ اللَّهُ يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِى وَرَجَوْتَنِى غَفَرْتُ لَكَ عَلَى مَا كَانَ فِيكَ وَلاَ أُبَالِى يَا ابْنَ آدَمَ لَوْ بَلَغَتْ ذُنُوبُكَ عَنَانَ السَّمَاءِ ثُمَّ اسْتَغْفَرْتَنِى غَفَرْتُ لَكَ وَلاَ أُبَالِى يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ لَوْ أَتَيْتَنِى بِقُرَابِ الأَرْضِ خَطَايَا ثُمَّ لَقِيتَنِى لاَ تُشْرِكُ بِى شَيْئًا لأَتَيْتُكَ بِقُرَابِهَا مَغْفِرَةً ».

«Аллоҳ таоло деди: Эй Одам боласи, мадомики сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор турар экансан, гуноҳинг қанақа бўлишдан қатъий назар, (уларнинг кўплигига ҳам) **парво қилмасдан мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар гуноҳинг булутларга қадар етса-да, Мендан истиғфор тиласанг, сени мағфират этаман. Эй Одам боласи, агар сен ҳузуримга ер юзини қоплайдиган гуноҳлар билан келсанг ва Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда рўбарў бўлсанг, мен сени ер юзини қоплайдиган мағфират билан қарши оламан!»** (Ҳасан ҳадис, Саҳиҳул-жомиъ: №4338, Термизий: 2/270).

Шундоқ экан, Аллоҳга қайтинг, Унга тавба қилинг, асло ноумид бўлманг!

(إِلاَّ مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلاً صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا (٧٠))

«Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Фурқон: 70).

Навқирон дўстим, Аллоҳ жалла ва алога қайтинг, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога тавба қилинг.

Билингки, Аллоҳ таоло сизнинг тавбангиз билан хурсанд бўлади. Аслида, Аллоҳ таоло бутун оламдан беҳожат Зот, бандаларининг тоатидан Унга бирон манфаат етмайди, маъсиятлари ҳеч қандай зарар етказолмайди.

Билингки, дунёнинг охири заволдир, абадий ҳаёт фақат Аллоҳ ҳузурида, Унинг жанатидадир.

(إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَنَهَرٍ (٥٤) فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُقْتَدِرٍ (٥٥))

«Албатта тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)**да Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар»** (Қамар: 54, 55).

Билингки, Аллоҳнинг матоси қимматдир! Билингки, Аллоҳнинг матоси жаннатдир! Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, одам боласининг хаёлига ҳам келмаган неъматлар бор.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз: «Ё Расулуллоҳ, бизга жаннат ҳақида сўзлаб беринг, у қандай қурилган?», деб сўрадик.

قَالَ: « لَبِنَةٌ مِنْ ذَهَبٍ ولَبِنَةٌ مِنْ فِضَّةٍ مِلاَطُهَا الْمِسْكُ الأَذْفَرُ حَصْبَاؤُهَا الْيَاقُوتُ وَاللُّؤْلُؤُ وَتُرْبَتُهَا الْوَرْسُ وَالزَّعْفَرانُ مَنْ يَدْخُلُهَا يَخْلُدُ لاَ يَمُوتُ وَيَنْعَمُ لاَ يَبْأَسُ لاَ يَبْلَى شَبَابُهُمْ وَلاَ تُخَرَّقُ ثِيَابُهُمْ ».

Айтдилар: **«Бир ғишти олтин, бир ғишти кумуш, сувоғи хушбўй мушк, майда тоши инжу ва ёқут, тупроғи варс ва заъфарондир. Унга кирган киши ноз-неъмат ичида бўлади, машаққат кўрмайди, абадий яшайди, ўлмайди, кийимлари эскирмайди, ёшлиги йўқолмайди»** (Аҳмад, Термизий ривояти).

Ибн Можа «Сунан»ида, Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

« أَلاَ مُشَمِّرٌ لِلْجَنَّةِ فَإِنَّ الْجَنَّةَ لاَ خَطَرَ لَهَا هِىَ وَرَبِّ الْكَعْبَةِ نُورٌ يَتَلأْلأُ وَرَيْحَانَةٌ تَهْتَزُّ وَقَصْرٌ مَشِيدٌ وَنَهَرٌ مُطَّرِدٌ وَفَاكِهَةٌ كَثِيرَةٌ نَضِيجَةٌ وَزَوْجَةٌ حَسْنَاءُ جَمِيلَةٌ وَحُلَلٌ كَثِيرَةٌ فِى مَقَامٍ أَبَدًا فِى حَبْرَةٍ وَنَضْرَةٍ فِى دَارٍ عَالِيَةٍ سَلِيمَةٍ بَهِيَّةٍ ». قَالُوا نَحْنُ الْمُشَمِّرُونَ لَهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ. قَالَ « قُولُوا إِنْ شَاءَ اللَّهُ». فَقَالَ الْقَوْمُ : إِنْ شَاءَ اللَّهُ.

«Ҳой, чин дилдан жаннатга интилувчилар борми?! Зеро, жаннатнинг ўхшаши йўқдир. Каъбанинг Парвардигорига қасамки, у порлаб турган нурдир, тебраниб турган райҳондир, қуриб қўйилган қасрдир, оқиб турган анҳордир, пишиб етилган ҳосиллардир, соҳибжамол ва кўркам жуфтиҳалолдир, саноқсиз либослардир, саломатлик диёрида абадий туришдир, мева-чева ва ям-яшил (боғлардир), олий ўринлардаги неъматлардир», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, биз унга чин дилдан интилувчимиз», дейишди. **«Иншоаллоҳ денглар»,** дедилар. Улар: «Иншоаллоҳ», дейишди (Ибн Можа, Байҳақий, Ибн Ҳиббон ривоятлари, Албоний Силсила заифа 3358да заиф деган).

Билингки, жаннатдаги ҳақиқий неъмат унинг ичимликлари ҳам, унинг ипак либослари ҳам, ундаги олтин-кумушлардан қурилган қасрлар ҳам эмас.. Ундаги ҳақиқий неъмат Парвардигор жалла ва алонинг Юзига боқиш неъматидир!

(وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ (٢٢) إِلَى رَبِّهَا نَاظِرَةٌ (٢٣))

«У Кунда (мўминларнинг) **юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»** (Қиёмат: 22, 23).

عَنْ صُهَيْبٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- قَالَ: « إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ وَأَهْلُ النَّارِ النَّارَ نَادَى مُنَادٍ يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ إِنَّ لَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ مَوْعِداً يُرِيدُ أَنْ يُنْجِزَكُمُوهُ. فَيَقُولُونَ وَمَا هُوَ أَلَمْ يُثَقِّلْ مَوَازِينَنَا وَيُبَيِّضْ وُجُوهَنَا وَيُدْخِلْنَا الْجَنَّةَ وَيُخْرِجْنَا مِنَ النَّارِ.

فَيُكْشَفُ لَهُمُ الْحِجَابُ فَيَنْظُرُونَ إِلَيْهِ فَوَاللَّهِ مَا أَعْطَاهُمْ شَيْئاً أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّظَرِ إِلَيْهِ وَلاَ أَقَرَّ لأَعْيُنِهِمْ ».

Суҳайб ибн Синон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Жаннат аҳли жаннатга киргач бир фаришта: «Эй жаннат аҳли, Аллоҳнинг сизларга бир ваъдаси бор, уни муҳайё қилмоқчи!» деб нидо қилади. Шунда улар: «Яна қандай ваъда? Ахир Аллоҳ бизнинг мезонимизни оғир қилиб, юзларимизни ёруғ қилмадими?! Бизларни жаннатга киргизиб, дўзах ўтидан қутқармадими?!» дейдилар. Кейин пардани кўтаради ва улар Аллоҳга қарайдилар. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ уларга бундан-да севимлироқ ва қувончлироқ бирон неъматни бермагандир»** (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳ жалла ва алодан сизу бизни Ўзининг Улуғ Юзига боқиш неъмати ила мушарраф айлашини сўрайман.

Эй Аллоҳим, барчамизнинг солиҳ амалларимизни Ўз даргоҳингда қабул этгин, тавбаларимизни мақбул айлагин, бизларни Ўз раҳматингга дохил этгин. Зотан, Сен тавбаларни қабул қилувчи, Раҳмли Зотсан.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига ҳамда то қиёмат уларга яхшилик билан эргашган кишиларга саловоту саломлар йўлласин.

2010 йил 27-август